



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 25 yil « 31 » dekabr

№ 849

Toshkent sh.

Ёшларни IT соҳасига жалб қилиш, уларнинг рақамли билим ва кўникмаларини ошириш орқали юқори даромадли касбларга йўналтириш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон – 2030” стратегияси доирасида жамият ҳаётининг турли соҳаларида рақамли технологияларни самарали жорий этиш, ёшларни IT соҳасига янада қизиқтириш, замонавий IT касбларга ўқитиш, мазкур йўналишда малакали кадрлар тайёрлаш бўйича тизимли ёндашувни жорий этиш орқали уларнинг юқори даромад топиш имкониятларини кенгайтириш ва уларни муносиб рағбатлантириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Рақамли технологиялар вазирлиги, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ҳамда Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг “Бир миллион дастурчи” лойиҳасининг мантиқий давоми сифатида “Беш миллион сунъий интеллект етакчилари” лойиҳасини амалга ошириш ва мазкур лойиҳа доирасида йил якунига кўра энг юқори натижага эришган ёшлар, уларнинг ўқитувчилари ҳамда таълим ташкилотларини рағбатлантириш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Белгилансинки, ҳар йили “Беш миллион сунъий интеллект етакчилари” лойиҳаси доирасида энг юқори натижаларга эришган иштирокчиларни тақдирлаш бўйича миллий танлов (кейинги ўринларда – танлов) ўтказиб борилади.

Бунда танлов ғолиблари пул мукофотлари ва қимматбаҳо совғалар, жумладан, **100 нафар** ўқитувчи 1 000 АҚШ доллари эквивалентида пул мукофоти, **10 нафар** ўқитувчи хорижий саёҳатга йўлланма, **500 нафар** ёшлар ноутбук ва **500 нафар** ёшлар қимматбаҳо совғалар, **3 та** олий таълим ташкилоти пул мукофоти ҳамда **2 та** умумтаълим мактаби “Президент совғаси” – электромобиль билан тақдирланади.

3. “Беш миллион сунъий интеллект етакчилари” лойиҳасининг ҳудудларда самарали жорий этилишини мувофиқлаштириш комиссияси (кейинги ўринларда – Комиссия) таркиби **1-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

4. Қуйидагилар Комиссиянинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

“Беш миллион сунъий интеллект етакчилари” лойиҳасининг ҳудудлар кесимидаги мақсадли кўрсаткичларини тасдиқлаш;

“Беш миллион сунъий интеллект етакчилари” лойиҳасининг ҳудудларда самарали жорий этилишини назорат қилиш;

танлов иштирокчиларини баҳолаш тартиби акс эттирилган низомни тасдиқлаш;

танлов натижасига кўра энг юқори натижа кўрсатган номзодларни танлаб олиш ва тақдирлаш юзасидан харажатлар сметасини тасдиқлаш;

танлов иштирокчилари орасидан энг юқори натижа кўрсатган номзодларни танлаб олиш ва тақдирлаш;

танловни ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ бошқа вазифаларни амалга ошириш.

5. Ҳудудларда “Беш миллион сунъий интеллект етакчилари” лойиҳасини амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар режаси **2-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

6. Рақамли технологиялар вазирлиги ҳамда Мактабгача ва мактаб таълими вазирлигининг Хоразм вилоятида амалга оширилаётган “Муҳаммад ал-Хоразмий ворислари” лойиҳасининг ижобий тажрибаси асосида ушбу лойиҳани босқичма-босқич Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар марказларида амалга ошириш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

7. “Муҳаммад ал-Хоразмий ворислари” лойиҳаси доирасида ёшларга қуйидаги имкониятлар яратилади:

рақамлаштириш соҳасида замонавий касбларга, жумладан, IT-лойиҳа бошқарувчиси, стартап лойиҳаси бошқарувчиси ҳамда хорижий тилларга бепул ўқиш;

халқаро профессионал даражадаги IT-сертификатларни олиш бўйича ўқув курсларида бепул таълим олиш;

информатика, робототехника, киберспорт ва бошқа йўналишлар бўйича мусобақа ҳамда танловларда иштирок этиш.

8. “Муҳаммад ал-Хоразмий ворислари” лойиҳасини амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар дастури **3-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

9. Вазирлар Маҳкамасининг “Халқаро IT-сертификатларга эга бўлган ёш мутахассисларни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2024 йил 17 февралдаги 95-сон қарорига **4-иловага** мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

10. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар вазири Ш.Х. Шерматов, мактабгача ва мактаб таълими вазири Э.Г. Каримова ҳамда олий таълим, фан ва инновациялар вазири К.А. Шарипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2025 йил 31 декабрдаги 849-сон қарорига
1-илова

**“Беш миллион сунъий интеллект етакчилари” лойиҳасининг ҳудудларда
самарали жорий этилишини мувофиқлаштириш комиссияси
ТАРКИБИ**

1. Ш.Х. Шерматов — рақамли технологиялар вазири, *комиссия раҳбари*
2. Ш.А. Каримов — мактабгача ва мактаб таълими вазирининг биринчи ўринбосари
3. С.Б. Раджабов — олий таълим, фан ва инновациялар вазирининг биринчи ўринбосари
4. Р.О. Каримжонов — рақамли технологиялар вазирининг ўринбосари
5. Э.Ш. Қурбонов — рақамли технологиялар вазирлиги бўлим бошлиғи
6. Н.О. Барноев — ИТ-таълим уюшмаси раиси
7. А.К. Эшанкулов — “Рақамли таълимни ривожлантириш маркази” ДМ директори, *комиссия котиби*

Изоҳ: Комиссия аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда, унинг таркибига ушбу лавозимларга янги тайинланган ёки зиммасига тегишли функцияларни бажариши юкланган шахслар киритилади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2025 йил 31 декабрдаги 849-сон қарорига
2-илова

**Худудларда “Беш миллион сунъий интеллект етакчилари” лойиҳасини амалга ошириш бўйича
ЧОРА-ТАДБИРЛАР РЕЖАСИ**

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Муддати	Молиялаштириш манбаи	Ижрочилар
1.	“Беш миллион сунъий интеллект етакчилари” лойиҳаси доирасида энг юқори натижаларга эришган иштирокчиларни тақдирлаш бўйича миллий танловни ўтказиш тартибини тасдиқлаш.	Низом лойиҳасини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.	2026 йил январ	—	Рақамли технологиялар вазирлиги, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги
2.	“Беш миллион сунъий интеллект етакчилари” лойиҳасини кенг жорий қилиш.	1. Худудлар кесимида лойиҳанинг мақсадли кўрсаткичларини тасдиқлаш. Бунда, 2025 йилда 100 минг нафар, 2026 йилда 500 минг нафар ва 2035 йилгача 5 миллион нафар ёшларни ўқитишни назарда тутиш. 2. Ёшларни халқаро таълим платформаларининг курсларида ўқишга жалб этишни ташкил этиш.	2026 йил январ 2026 йилдан бошлаб	Рақамли технологияларни ривожлантириш жамғармаси, Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси томонидан Рақамли технологиялар вазирлигига беғараз асосда ажратилган маблағлар, қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар	Рақамли технологиялар вазирлиги, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги

3.	“Беш миллион сунъий интеллект етакчилари” лойиҳасини кенг жамоатчилик ўртасида тарғиб қилишни ташкил этиш ва ёшларни жалб этиш.	1. Лойиҳани тарғиб қилувчи материаллар ва видеороликларни ишлаб чиқиш. 2. Оммавий ахборот воситалари, мактаб ва олий таълим ташкилотларида лойиҳани тарғибот қилиш.	2026 йилдан бошлаб	Рақамли технологияларни ривожлантириш жамғармаси, Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси томонидан Рақамли технологиялар вазирлигига беғараз асосда ажратилган маблағлар, қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар	Рақамли технологиялар вазирлиги, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги
4.	Халқаро онлайн таълим ташкилотларининг курсларини ўзбек тилига таржима қилиш.	1. Халқаро онлайн таълим ташкилотлари ва/ёки уларнинг Ўзбекистондаги расмий ҳамкорлари билан музокаралар ўтказиш. 2. Ўзбек тилига таржима қилинадиган ўқув курслар рўйхатини шакллантириш. 3. Ўқув курсларни ўзбек тилига таржима қилиш.	2026 йил март 2026 йил май 2026-2027 йиллар	Рақамли технологияларни ривожлантириш жамғармаси, Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси томонидан Рақамли технологиялар вазирлигига беғараз асосда ажратилган маблағлар, қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар	Рақамли технологиялар вазирлиги, “Рақамли таълимни ривожлантириш маркази” ДМ

5.	“Беш миллион сунъий интеллект етакчилари” лойиҳаси доирасида тақдим этиладиган онлайн ўқув курслари сонини кўпайтириш.	1. Замонавий онлайн ўқув курслар сонини кўпайтириш мақсадида ташкилотлар билан музокаралар ўтказиш. 2. Белгиланган тартибда ўқув курсларини сотиб олиш бўйича харид жараёнларини ташкил этиш. 3. Ўқув курсларини лойиҳанинг расмий веб-сайтида эълон қилиш.	2026 йил март 2026 йил май 2026-2027 йиллар	Рақамли технологияларни ривожлантириш жамғармаси, Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси томонидан Рақамли технологиялар вазирлигига беғараз асосда ажратилган маблағлар, қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар	Рақамли технологиялар вазирлиги, “Рақамли таълимни ривожлантириш маркази” ДМ
6.	“Беш миллион сунъий интеллект етакчилари” лойиҳаси иштирокчиларини рағбатлантириш.	1. Тақдирлаш маросими харажатлари сметасини ишлаб чиқиш. 2. Харажатлар сметаси асосида харид жараёнларини ташкил этиш. Бунда, харидлар “Сунъий интеллект альянси” нодавлат нотижорат ташкилоти томонидан амалга оширилади. 3. Тантанали равишда тақдирлаш маросимини ташкил этиш ҳамда лойиҳа доирасида энг юқори натижа кўрсатган иштирокчиларни (ёшлар, ўқитувчилар ва таълим ташкилотлари) пул мукофотлари ва қимматбаҳо совғалар, жумладан, 100 нафар ўқитувчини 1 000 АҚШ	Ҳар йили 1 ноябрга қадар 2025–2030 йилларда	Рақамли технологияларни ривожлантириш жамғармаси, Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси томонидан Рақамли технологиялар вазирлигига беғараз асосда ажратилган маблағлар, қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар	Рақамли технологиялар вазирлиги, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Рақамли технологиялар вазирлиги тизимидаги ташкилотлар, “Сунъий интеллект альянси” нодавлат нотижорат ташкилоти

		доллари эквивалентида пул мукофоти, 10 нафар ўқитувчи учун хориж саёҳатига йўлланма, 500 нафар ёшларни ноутбук ва 500 нафар ёшларни қимматбаҳо совғалар (планшет, ақлли соат ва бошқа замонавий технологик қурилмалар, китоб олиш учун ваучер, таълим платформаларида ўқиш учун лицензия ва бошқалар), 3 та олийгоҳга пул мукофоти ҳамда 2 та мактабни “Президент совғаси” – электромобиль билан тақдирлаш.			
7.	“Беш миллион сунъий интеллект етакчилари” лойиҳаси иштирокчиларини мониторинг қилиб бориш.	Лойиҳа иштирокчиларини махсус ахборот тизими орқали мониторинг қилиб боришни ташкил этиш. Бунда иштирокчиларнинг қайси таълим ташкилотларида ўқишлари ҳамда уларнинг бандлигини мониторинг қилиш имкониятини яратиш.	2026 йил июль	Рақамли технологияларни ривожлантириш жамғармаси, Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси томонидан Рақамли технологиялар вазирлигига бегараз асосда ажратилган маблағлар, қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар	Рақамли технологиялар вазирлиги, “Рақамли таълимни ривожлантириш маркази” ДМ

Вазирлар Маҳкамасининг
2025 йил 31 декабрдаги 849-сон қарорига
3-илова

**“Муҳаммад ал-Хоразмий ворислари” лойиҳасини амалга ошириш бўйича
ЧОРА-ТАДБИРЛАР ДАСТУРИ**

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Муддати	Молиялаштириш манбаи	Ижрочилар
1.	“Муҳаммад ал-Хоразмий ворислари” лойиҳаси доирасида ташкил этиладиган махсус гуруҳларни таълим жараёнлари учун зарур бино ва техник воситалар билан таъминлаш. Бунда, махсус гуруҳлар ажратилган биноларга бепул жойлаштирилади.	1. Биноларни сақлаш ҳамда белгиланган тартибда алоқа ва коммунал хизматлар билан таъминлаш. 2. Техник талаблар ва топшириқларни ишлаб чиқиш. 3. Харид жараёнларини учун харажатлар сметасини ишлаб чиқиш. 4. Белгиланган тартибда харид жараёнларини амалга ошириш.	2026 йилдан бошлаб	Ижрочиларнинг бюджетдан ташқари маблағлари, Рақамли технологияларни ривожлантириш жамғармаси, ташаббускор тадбиркорлар, ҳомийлик маблағлари ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоят ҳокимликлари, Давлат активларини бошқариш агентлиги, Рақамли технологиялар вазирлиги, “Рақамли таълимни ривожлантириш маркази” ДМ
2.	“Муҳаммад ал-Хоразмий ворислари” лойиҳаси асосида ўқитиш йўлга қўйиладиган махсус гуруҳларга иқтидорли ёшларни жалб қилиш.	1. Махсус гуруҳлар сифимини (куватини) аниқлаш ва тасдиқлаш. 2. Режа-график асосида махсус гуруҳларга умумтаълим мактабларининг 8-синф ўқувчилари орасидан иқтидорли ёшларни саралаб бориш.	2026 йил март Режа-график асосида	Ижрочиларнинг бюджетдан ташқари маблағлари, Рақамли технологияларни ривожлантириш жамғармаси,	Рақамли технологиялар вазирлиги, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, “Рақамли таълимни ривожлантириш маркази” ДМ

				ташаббускор тадбиркорлар, ҳомийлик маблағлари ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар	
3.	Рақамли технологиялар ва хорижий тиллар бўйича замонавий билим ва кўникмаларга эга менторларни жалб қилиш.	1. Махсус гуруҳлар сонидан келиб чиқиб, менторларни жалб қилиш. 2. Менторларни таълим жараёнига тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириб бориш. 3. Белгиланган тартибда менторларнинг хизматига ҳақ тўлаш: ҳар бир ўқувчи учун ахборот технологиялари бўйича таълим берувчи менторларга меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 0,3 бараваригача; хорижий тил бўйича таълим берувчи менторларга эса меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 0,2 бараваригача.	Режа-график асосида	Ижрочиларнинг бюджетдан ташқари маблағлари, Рақамли технологияларни ривожлантириш жамғармаси, ташаббускор тадбиркорлар, ҳомийлик маблағлари ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар	Рақамли технологиялар вазирлиги, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, “Рақамли таълимни ривожлантириш маркази” ДМ

4.	Махсус гуруҳлардаги ўқувчи ва менторларни замонавий адабиётлар ҳамда материаллар билан таъминлаш.	1. Рақамли технологиялар ва хорижий тиллар бўйича замонавий ўқув адабиётлари ва рақамли контентлар рўйхатини ҳамда харажатлар сметасини ишлаб чиқиш. 2. Белгиланган тартибда харид жараёнларини амалга ошириш.	2026 йилдан бошлаб	Ижрочиларнинг бюджетдан ташқари маблағлари, Рақамли технологияларни ривожлантириш жамғармаси, ташаббускор тадбиркорлар, ҳомийлик маблағлари ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар	Рақамли технологиялар вазирлиги, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, “Рақамли таълимни ривожлантириш маркази” ДМ
----	---	--	--------------------	--	--

Вазирлар Маҳкамасининг
2025 йил 31 декабрдаги 849-сон қарорига
4-илова

**Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 17 февралдаги 95-сон қарори
билан тасдиқланган Ёшларнинг халқаро IT-сертификатларни олиш
харажатларини қоплаб бериш бўйича давлат хизматини кўрсатишнинг
маъмурий регламентига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 8-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“8. Халқаро IT-сертификатлар бошланғич даражада бўлганда 30 фоиз, ўрта даражада бўлганда 40 фоиз ҳамда профессионал даражада бўлганда 60 фоиз миқдорда сарфланган харажатлар қоплаб берилади.

Халқаро IT-сертификатлар бошланғич даражада бўлганда 30 фоиз, ўрта даражада бўлганда 40 фоиз ҳамда профессионал даражада бўлганда 60 фоиз миқдорда сарфланган харажатлар қоплаб берилади.

Инглиз тили бўйича B2 ва ундан юқори даражадаги ҳамда профессионал даражадаги халқаро IT-сертификатга эга бўлган ёшларнинг халқаро IT-сертификатни олиш харажатлари тўлиқ қоплаб берилади.

Бунда профессионал даражадаги халқаро IT-сертификатга эга бўлган ёшларнинг мазкур сертификатни олиш харажатлари ушбу Регламентга 2-иловада назарда тутилган инглиз тилини билиш даражасини белгиловчи сертификатлар рўйхатига мувофиқ тўлиқ қоплаб берилади”.

2. 9-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“9. Халқаро IT-сертификатларни олиш учун ўқув марказларида ўқиганлик харажатлари тўлов амалга оширилганлигини тасдиқловчи тижорат банки маълумотномаси ёки тўлов квитанцияси нусхаси (pdf шаклда) тақдим этилганда қоплаб берилади”.

3. 12-бандда:

учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“ариза берувчи (ёки унинг ота-онаси ёхуд қонуний вакили) томонидан халқаро IT-сертификат учун ўқиш ва уни олиш харажатлари тўланганлигини тасдиқловчи тижорат банки маълумотномаси ва тўлов квитанциясининг нусхаси (pdf шаклда)”;

олтинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“агар ариза берувчи халқаро IT-сертификатни олиш учун ўқув курсига сарфланган харажатларни қоплаш мақсадида сўровнома тўлдираётган бўлса, у ҳолда ариза берувчи (ёки унинг ота-онаси ёхуд қонуний вакили) ҳамда ўқув маркази ўртасида халқаро IT-сертификатни олиш учун тузилган шартнома нусхаси ва ўқув курсини тамомлаганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар нусхаси (pdf шаклида)”.

4. 15-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“15. Ариза берувчи томонидан тўлдирилган сўровнома ва унга илова қилинган ҳужжатлар автоматик тарзда ишчи органга юборилади.

Агар Ишчи орган томонидан сўровнома ва унга илова қилинган ҳужжатларда камчиликлар аниқланса, бу ҳақида беш иш куни ичида ариза берувчига ЯИДХП орқали камчиликларни бартараф этиш юзасидан хабарнома юборилади ва ариза рад этилади.

Ариза берувчи мавжуд камчиликларни бартараф этиб, янги сўровнома билан такроран мурожаат қилиш ҳуқуқига эга”.

5. 18-бандда:

қуйидаги мазмундаги бешинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“ҳалқаро IT-сертификат ваколатли орган томонидан тасдиқланган сертификатлар рўйхатида мавжуд бўлмаса”;

бешинчи-саккизинчи хатбошилар тегишлича олтинчи-тўққизинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

қуйидаги мазмундаги саккизинчи ва тўққизинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

“ариза берувчи тамомлаган ўқув марказининг таълим фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияси ёки тасдиқномаси мавжуд бўлмаса;

сўровномага иловага қилиниши лозим бўлган ҳужжат ва маълумотлар тўлиқ ҳажмда тақдим этилмаганда”;

саккизинчи ва тўққизинчи хатбошилар тегишлича ўнинчи-ўн биринчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

